
#Жараён 09/07/2024 ҲОКИМ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ЁШЛИК БУ ОРЗУ, ИШОНЧ, ЖАСОРАТГА ИНТИЛИШ, КЕЛАЖАККА ТУЗИЛГАН УЛКАН РЕЖАЛАР
ДЕМАҚДИР

Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев фаол ёшлар иштирокидаги "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида Президентимиз раислигида ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган устувор вазифалар ижросига тўхталди.

Турли соҳалардаги танлов ва мусобақаларда муваффақиятга эришган бир гуруҳ ёшларга миннатдорчилик билдирилган экан уларни сафи кенгайишида яна ҳам қулай шароитлар яратилиши таъкидланди. Қолаверса, туманимиз ёшларининг ИТ соҳасида билим олишлари, турли касбларни мукамал эгаллашлари, китобхонликни тенгдошлари орасида кенг тарғиб қилишда амалга ошираётган ишлари ижобий баҳоланди.

Юзма-юз мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалари юзасидан туман ҳокимига тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, саволларига амалий жавоблар олишди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-07-09 19:51:20